

## Ўғирлик



16:40 / 23.05.2019 4599

Аллоҳ таоло айтади:

**«Ўғри эркакни ҳам, ўғри аёлни ҳам қўлларини кесинглар! (Токи бу) уларнинг қилмишларига яраша жазо бўлсин, Аллоҳ томонидан берилган азоб бўлсин. Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир» (Моида сураси, 38-оят).**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар: «Зинокор зино қилаётган вақтида мўмин бўлмаган ҳолида зино қилади. Ўғри ўғирлик қилаётган вақтида мўмин бўлмаган ҳолида ўғирлик қилади. Ичувчи хамр ичаётган вақтида мўмин бўлмаган ҳолида ичади. Бироқ тавба ҳали ҳам таклиф қилингандир» (Бухорий, Муслим, Абу Довуд ривояти).

Ибн Умар розияллоҳу анҳу айтганлар: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қиймати уч дирҳам бўлган қалқон сабабли (қўлни) кесганлар» (Жамоат ривоят қилган).

Оиша (розияллоҳу анҳо) айтганлар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам чорак динор ва ундан қийматли (нарсалар) учун ўғрининг қўлини кесар эдилар» (Жамоат ривоят қилган).

Насоийнинг ривоятида: «Қалқон қийматидан арзон нарсалар учун ўғрининг қўли кесилмайди», дейилган. Оиша (розияллоҳу анҳо)дан: «Қалқоннинг қиймати қанча?» деб сўрашганда: «Чорак динор», дея жавоб берганлар.

Имом Аҳмаднинг ривоятида: «Чорак динар сабабли (ўғрининг қўлини) кесинглар. Бундан қийматсиз, арзон бўлган нарсалар сабабли кесманглар», дейилган.

У пайтда бир динар – ўн икки дирҳам, чорак динар эса уч дирҳам бўлган.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ ўғрини лаънатласин: дубулға ўғирлайди-да, қўли кесилади, арқон ўғирлайди-да, қўли кесилади», деганлар.

Аъмаш (раҳимаҳуллоҳ) айтганларки: «Улар «дубулға» деганда темир дубулғани, «арқон» деганда бир неча дирҳам турадиган арқонни назарда тутишган» (*Бухорий, Муслим, Аҳмад ривояти*).

Оиша (розиаллоҳу анҳо) айтадилар: «Махзум қабиласидан бўлган бир аёл қарзга нарса олиб уни қайтармас, тан олмас эди. Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васаллам унинг қўлини кесишни буюрдилар. Аёлнинг қариндош-уруғлари Усома ибн Зайднинг олдига келиб, у билан гаплашишди. Усома Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васалламга аёл ҳақида гапирган эди, у зот соллalloҳу алайҳи васаллам: «Эй Усома, Аллоҳ азза ва жалланинг ҳадларидан биронта ҳад борасида ҳам ўртага тушганингни кўрмайин», дедилар. Сўнг туриб одамларга қарата шундай ҳитоб қилдилар: «Албатта, сизлардан олдин ўтганлар агар ораларида шарафли, обрўли киши ўғирлик қилса афв этиб, заиф киши ўғирлик қилса, қўлини кесганлари сабабли ҳалок бўлганлар. Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, агар ўғри Муҳаммаднинг қизи Фотима бўлганида ҳам, албатта, қўлини кесган бўлардим». Кейин ўғри аёлнинг қўли кесилди» (*Аҳмад, Муслим, Насоий ривояти*).

Уламолар айтадиларки, ўғирлаган нарсани эгасига қайтармас экан, ўғрининг тавбасидан ҳеч наф йўқ. Агар ҳеч вақоси бўлмаса, молнинг эгасидан розилик олиши шарт. Валлоҳу аълам.

**«Гуноҳи кабиралар» китобидан**